



Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (11.871)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бунинг энг асосий боиси эса хорижий сармоядорларнинг икти-содиёти барқарор ривожланаётган мамлакатимиздаги кулай инвестицион муҳит, ҳуқуқий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашлардан унумли фойдаланишга интилаётгани, энг муҳими ишончи самарасидир. Германиялик ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган ҳамда бугунги кунда ўз махсулотлари билан ички бозорда муҳим ўрин эгаллаган, халқаро ан-

дозаларга мос товарлари экспортини ҳам йўлга қўйган «Tezintom Ltd» қўшма корхонаси ана шундай жамоалар қаторида дадил одимлаб, йилдан йилга янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этмоқда. Бунинг натижасида эса махсулот турлари кўпаймоқда, ишчи-хизматчилар сафи ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ишларининг босқичма босқич амалга

Ҳамкорлик қирралари СИФАТИГА КАФОЛАТ

Сифатиغا кафолат берилётган импорт ўрнини босувчи халқаро андозаларга мос махсулот турлари юртимизда фаолият кўрсатаётган, замонавий жиҳозланган, хорижий шериклар билан ҳамкорликда иш юритаётган қўшма корхоналарда тайёрланиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорини топмоқда.

оширилатгани, хориждан юқори унумли технологик линиялар келтириб ўрнатишга қаратилаётган эътибор, замонавий жиҳозланган цехларнинг ишга туширилиши туфайли ўнлаб ёшлар иш билан таъминланмоқда, корхона нуфузи ҳамда салоҳияти ортиб бормоқда.

Корхонанинг илк фаолияти ҳусусида тўхталмиш жоиз бўлса, мамлакатимизда биринчи бўлиб кўркам ва мустақкам том ёпқичлар — металл черепицалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур рақобатбардош ва замонавий курилиш ашёсидан фойдаланган ҳолда жуда кўплаб иншоотлар бунёд этилиб, кўрчи таъминланди. Курилиш ашёлари тайёрлашда етакчилардан саналган жамоода бугунги кунга келиб Германиянинг «МЕЕН» технологиясини қўллаган ҳолда полимер қопламалар, девор ва том панеллари,

металлдан дизайнерлик аксессуарлари, алюмин-пластик эшик-ромлар, қўйма металл махсулотлари ва бошқа товарлар тайёрланиб, харидор талаби қондирилмоқда. Бу борада маркетинг ишлари жадал олиб борилаётгани, бозор тинмай ўрганилаётгани ўз самарасини кўрсатмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, корхона қошида ўтган йилда «Bahti Simona» масъулиятли чекланган жамияти ташкил этилди. Германиядан келтирилган технологик жиҳозлар билан таъминланган мазкур корхонада кўплаб ёшлар учун иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаган ҳолда, улар цехларда қўйма металлдан фойдаланиб сифатли ва рақобатбардош махсулот турларини харидорларга тортиқ этаётгани эътиборлидир. Кўркам ва давр талабига мос эшик, дарвоза, панжара, ресторан ва қаҳвахоналар учун янги турдаги

мебеллар, жозибадор қандил ва бралар ана шундай махсулотлардир. Энг муҳими эса моҳир дизайнерларнинг изланишлари, талаб ва тақлифларидан келиб чиқиб маҳорат кўрсатишлари боис бўлса керак. Улар махсулот турларини кўпайтириб, харидорнинг лойиҳа лойиҳа мақсад қилган ҳолда машҳур хорижий фирмалар каталогларидан ижодий фойдаланишмоқда.

Асосий йўналиши импорт ўрнини босувчи бунёдкорлик ашёлари тайёрлаш бўлган тадбиркор жамоада яна бир янги лойиҳа амалга оширилганлигини таъкидлаша арийди. Туркиянинг дунё бозорида етакчи ўринга эга бўлган «Desos Precast» фирмаси технологик жиҳози қувватини ишга солган ҳолда фибробетон махсулотни ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу замонавий фибробетон махсулоти биноларни ташқи гўзаллигини таъминлашда, кўркини оширишда қўл келади. Ҳозирда махсулот буюртмачилари сафи ортиб бормоқда. У ўзининг қатор афзалликлари билан ажралиб туради ва узоқ вақт хизмат кўрсатади. Ўрнатилган янги линиянинг қуввати билан ойига 250 квадрат метр фибробетон ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаб, 4,5 миллиард сўмликдан зиёд махсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган тадбиркорлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллида янада улкан марраларни қўшламоқда, янги лойиҳалар устида ишлашмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Алексей Попов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, шу йил 25 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини кун тартибининг асосий масаласи — «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида баён этилган, моҳияти жиҳатидан давлатимизни демократик ривожлантириш, фуқаролик жамиятини куришда янги босқични бошлаб берган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва қабул қилинганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг урта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда парламентнинг, сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига Бош вазир номзодини қўрсатиш ва тасдиқлашнинг янги, демократик принципларга жавоб берадиган конституциявий тартиби киритилмоқда. Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан кўрсатилади. Бундай тартиб, сенаторлар муҳокама асосида кўрсатиб ўтганларидек, мамлакатни демократик янгилашда ва модернизация қилишда парламентнинг, шунингдек сиёсий партиялар ролининг кучайишига олиб келади.

Сенаторларнинг фикрича, Конституцияга киритилаётган бошқа тўзатишлар ҳам муҳим принципал аҳамиятга эга. Чунончи, мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимига ишончсизлик вотуми институти киритилмоқда. Бунда Бош вазир ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар келиб чиққан тақдирда тегишinchа Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овозлари олинганда парламент Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини чиқариши мумкин. Бу ҳолда мамлакат Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ишончсизлик вотумининг қабул қилиниши бутун ҳукуматнинг истеъфога чиқишига олиб боради. Ушбу институти қонунлар ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда парламентнинг ваколатларини кенгайтириш мақсадида киритилган бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мамлакат сиёсий тизимидаги ролини, шунингдек ҳукуматнинг қабул қилинаётган қонунлар оғишмай ва сифатли ижро этилишини таъминлаш учун жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида мамлакатимиз энгил саноатини янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЕНГИЛ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси корхоналари вакиллари, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ўқитувчи ва талабалари, тижорат банклари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришда энгил саноат муҳим ўрин тутди. 2000 йилда ушбу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улushi атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга етди. Мазкур кўрсаткичларни оширишда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тадбирда мазкур корхоналар фаолияти тўғрисида сўз юритилди.

«Ўзбекенгилсаноат» компанияси томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, ҳукуматимизнинг корхоналар қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга оид қарорларининг бажарилиши, тармоққа хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши уни ривожлантириш, пахта хомашёсини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, юқори сифатли ва экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқариш имконини берди. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Республика пиллачилик тармоғини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2006-2010 йилларда пиллачилик тармоғи корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш дастури муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар доирасида 13 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда 10 объектда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали 6 объект ишга туширилди.

Эришилган ижобий натижалар билан бирга соҳада қатор муаммолар ҳам мавжуд. Ташқи бозорларга қўшимча қиймати паст махсулотларни чиқариш, хомашё базаси мавжуд бўлган ҳолда, тўқимачилик саноатидagi имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани шулар жумласидандир.

Семинарда иштирокчилар томонидан муҳокама қилинган масалалар ва билдирилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва соҳани янада ривожлантириш юзасидан тавсиялар берилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидин.

✓ **КЕЧА** «Ватанга қасамёд» мажмуасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг қасамёд қабул қилишига бағишланган танта-нали тадбир ўтказилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** мусиқа ва санъатга иктисослаштирилган маж-таб-интернатда Халқ таълими вази-рлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уш-маси, «Соғлом авлод учун» жамаг-маси ҳамкорлигида ёш мусиқачилар ўртасида «Санъат гунчалари» респу-блика кўрик-танлови ўтказилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Ку-лолқўрғон» маҳалласида «Наврўз — меҳр-оқибат, эзгулик тимсоли» ши-ори остида байрам тадбири ўтқа-зилди. Унда нуронийлар, маҳалла фаоллари, кам таъминланган оила-лар вакиллари иштирок этди.

✓ **МИРЗО** Улугбек номи-даги маданият ва истироҳат боғида мактаблар, техник ижодиёти марказлари ўқувчи-лари иштирокида «Варрақлар» мусобақаси бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Аввал хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 2011 йил 25 март куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида ҳарбий кадрларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, олий ҳарбий билим юртлари профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этди.

● Киночилар уйида «Камолот» ЕИХ ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбек киноси — ёшлар нигоҳида» кино ойлиги бошланди. Унда таниқли актёр, режиссёр ва сценарийнавислар, ёзувчи ва шоирлар, санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари фаоллари, талабалар иштирок этмоқда.

● Сингапур менежментни ривожлантириш институти Тошкент филиалида Марказий банк ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросига бағишланган тренинг бўлиб ўтди.

● Гулистон шаҳрида трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Ҳабиб-Тех» янги ўзбек-араб қўшма корхонаси ишга тушди. 200 кишидан иборат бўлган корхона ишларининг 90 фоизини касб-хунар коллежининг битирувчилари ташкил этади.

ЖАҲОНДА

● Япония фонд бозори табиий офатлардан сўнг аста-секин ўзига келмоқда. Инвесторлар авария ҳолатидаги АЭСда вазият барқарорлашаётганини мамнуният билан қаршилашди. Бироқ саноат тикланиши ҳақида гапириш ҳозирча эртадир.

● Исроил ҳарбий ҳаво кучлари авиазарбаси натижасида Фазо секторида фаластинлик икки киши ҳалок бўлган. Фазо секторида ҳокимият тепасида турган ХАМАС террорчи ташкилоти, Исроил ҳудудни ракеталардан ўққа тутушни тўхта-тиш ҳақида Фаластин турли гуруҳлари ўртасида бир битимга келингани эълон қилди.

● Италия ЮНЕСКО мероси рўйхати-га пиццанинг киритилишини ил-тимос қилган. Мамлакат фуқарола-ри ўртасида ўтказилган сўровларда кўпчилик маданий қадриятлар рўйхатига айнан шу миллий таомни киритишни афзал кўрган.

● Флоридада ҳар йили ўтказила-диган аънавий авиафестивалда кўргазмали маневрларни бошқара-ётган ЯК-52 самолёти Fladlez Countу аэропорти яқинида ҳалокат-га учраган.

Миллий санъат марказида «Bazar-Art-2011» кўргазма-ярмаркаси ўтказилди.

**«BAZAR-ART»:
МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК
ЎЙУНЛИГИ**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ижод» Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамда «Устозода» бирлашмасининг кенг қамровли лойиҳаси ҳисобланган ушбу кўргазмада юртимизнинг барча ҳудудларидан уста-хунармандлар ижодий ишларини намойиш этишди.

Анъанавий тарзда 2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма-ярмаркада амалий санъатнинг барча йўналишлари бўйича 100 дан зиёд усталар иштирок этди. Ота-болларнинг ишини давом эттириб келаётган усталар билан бир қаторда эндигина соҳага қадам қўйган ёш истеъдод соҳиблари ҳам қатнашди.

Айтиш жоизки, мазкур кўргазма-ярмарка анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятини юзага чиқариш, ушбу соҳадаги янгилар билан кенг жамоатчиликни таништириш, ижодкор сулоалар ва истеъдодли хунармандларни қўллаб-қувватлаш, миллий меросимизни асраб-авайлашга қаратилганлиги билан ахамиятлидир.

Биринчи мартаба ойининг қашта тикиб ўтиришларини кўрганимда, жуда кичкина эдим, — дейди Бухоро педагогика кол-

лежи ўқувчиси Зарина Хамроева «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Кейинчалик эса каштачиликка бўлган қизиқишим ортиб, онамга ёрдам берадиган, сўнгга мустақил тикадиган бўлдим. Бухоро каштачилигининг ўзига хос жиҳатлари жуда кўп. Мен юртимизнинг ҳар бир хонадониде миллийлигимиз акс этган буюмлар сақланишини, фарзандлар ундан баҳраманд бўлишини хоҳлайман.

Кўргазманинг яна бир ахамияти, унда хориждан келган турли санъат усталари, сайёҳлар мамлакатимизга хос бўлган миллий соғалар, анъанавий либослар, бошқа амалий санъат намуналарини харид қилиш имкониятига эгадир. Кўргазма доирасида иштирокчилар тажриба алмашиш, мулоқот ўрнатиш, ишбилармон ва ижодий алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда ўз меҳнатларининг самарасини таққослаш ва баҳолаш имконига эга бўлишди. Шунингдек, лойиҳа доирасида хунармандлар ва уларнинг шоғирдларига грантлар ажратилди.

— Ўн йилдан буён Риштон сополларида гул бошиш, яъни рўзгор идиш-товокларига ишлов бериш билан шуғулланамиз, — дейди Ўзбекистон Бадиий акаде-



мийи Азима ҚИЁСОВА

еттириб, 2007 йилдан буён мазкур кўргазмада сопол идишлар намойишини ташкил этиб келамиз. Бу йил ҳам халқ амалий санъатининг нодир дурдонаси саналган Риштон сополларининг йўқолиб кетаётган ноёб турларидан бир неча хилини олиб келдим.

Бу йилги кўргазмада «Анъанавий тўқимачилик устаси», «Анъанавий қандакорлик устаси», «Нақш ва миниатюра устаси», «Ёғоч ўймакорлиги устаси», «Зардўзлик санъати устаси», «Куллуқчилик устаси», «Анъанавий каштачилик устаси» ва «Анъаналарни замонавий кийфаларда сақлагани учун» номинациялари бўйича совриндорлар аниқланди.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ УЧИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси учинчи турида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги беллашув ҳар галгидек кескин ва муросасиз кечди.

Мухлислари кўз ўнгига тўп сурган пойтахтлик чарм тўп усталари биринчи бўлимда жуда фаол ўйнади. 15-дақиқада Шерзод Каримовнинг бурчакдан оширган тўпини «Пахтакор»нинг грузиялик легионери Кахи Махарадзе боши билан «Нефтчи» дарвозасига киритди — 1:0.

Уйиннинг иккинчи ярмида вазиятни ўнглашга ҳаракат қилган «Нефтчи» ҳужумкор тактигани танлади. Бу ўз самарасини бериб, устунлик фарғоналик футболчилар томонига ўтди. Шундай бўлса-да, «Нефтчи» вакиллари «Пахтакор»нинг мустахкам ҳимоясини ёриб ўтолмади.

Ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолган «Пахтакор» чемпионатда гол ўтказмаган ягона жамоа сифатида очколари сонини тўққизтага етказиб, чемпионатда пешқадамлик қилаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» ва Қаршининг «Насаф» жамоаларига етиб олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ўза шарҳловчиси

ЧЕМПИОН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 3-тур беллашуварларида амалдаги чемпион «Бунёдкор» ғалабага эришди.

«Жар» стадионида Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилган Миржалол Қосимов шоғирдлари биринчи бўлимда ўйин тизгинини рақибларига бериб қўйди. Учрашувни кўтаринки руҳда бошлаб устунликка эришган меҳмонларга 28-дақиқада омад кулиб бокди. Жамоадошлари томонидан аниқ узатилган тўпни ҳужумчи Нагаев қабул қилиб олди ва кучли зарба билан Нестеров дарвозасига гол урди — 0:1.

Иккинчи бўлимда бош мураббий кўрсатмаларига қатъий амал қилган «Бунёдкор» жамоаси ўйинида жонлиқ сезилди. Энди майдон эгалари меҳмонлар дарвозаси томон кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштира бошлашди. Бу тезда ўз самарасини берди. Аввалига 65-дақиқада Солиев меҳмонлар дарвозабонини хато қилишга мажбур этиб ҳисобни тенглаштирган бўлса, орадан 4

дақиқа ўтиб Саломов ҳам ўзига яратилган қулай вазиятдан самарали фойдалана олди ва дарвозага гол йўллаб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. 73-дақиқага келиб «Бунёдкор» ҳужуми яна гол билан яқунланди. Стандарт вазиятда жамоадоши узатган тўпга Мирзоев биринчи бўлиб етиб келди ва аниқ зарба билан учинчи гол муаллифига айланди. Учрашувни 3:1 ҳисобида ғалаба билан яқунлаган «Бунёдкор» муҳим уч очкони қўлга киритди.

Қолган учрашуварда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Қизилқум» — 0:2, «Бухоро» — «Андижон» — 0:0, «Машъал» — «Динамо» — 1:0, «Насаф» — «Олмалик» — 2:1, «Навбахор» — «Шўртан» — 0:0.

«Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари баҳси билан 3-тур якунига етади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Танловлар

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

«Дунёни гўзаллик қутқаради» деган нақлда олам-олам маъно мужассам. Чунки гўзаллик ўз ортидан албатта яхшилиқни, эзгуликни эргаштириб келади. Шу боис ҳам ҳар бир инсон нафақат ички дунёси гўзал бўлишига, балки ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам ораста, озода ва жозибали бўлишга интилади.

10 нафар сартарош дадил айтиш жоизки, муваффақиятли иштирок этиб, маҳорат бобида бошқа давлатлардаги ҳамкасбларидан асло қолишмаслигини яққол исботлашди.

— Ушбу танловда юртимиз вакиллари 2005 йилдан бери иштирок этиб келишади, — дейди Ўзбекистон сартарошлари ва косметологлари ассоциацияси раҳбари Фарҳод Шомуродов. — Очигини айтиш керак, вакилларимиз орасида пойтахтлик «Фитнес NSPA эстетик хейлон» саломи ходимаси Нарғиза Усмонова, «Ўзбекистон» саломи вакили Фаррўх Шомуродов, «Сакура» саломи сартароши Сардор Шодмонов, «Ненси» саломи хизматчиси Дониёр Исматуллаевларнинг соч турмаклари бўйича намойиш этган кўргазмалари кўпчиликка маъқул бўлди. Вакилларимиздан Фаррўх Шомуродовга учинчи, Сардор Шодмоновга бешинчи ўрин насиб этганлиги эса қалбларимизни ғурурга тўлдирди.

Фарҳод Шомуродовнинг айтишича, танловда асосан «Тўй тантаналари», «Замонавий соч турмаклаш», «Тарихий соч турмаклари» ва «Янги соч турмаклари» номинациялари бўйича кўргазмалар намойиш этилди. Айниқса «Тарихий соч турмаклари» бўйича сартарошлар маҳорати кўпчилиқда қизиқош уйғотди. Чунки ўтган асрнинг 20-30 йиллари соч турмакларини қайта тиклаш бўйича сар-

тарошлар бор имкониятларини ишга солишди ва ўша давр соч турмакларини яратишди. Дарвоқе, танловда қатнашган самарқандлик Бахтиёр Турдиев ҳам бешинчи ўрин соҳиби бўлганлиги қувончли.

Вакилларимизнинг «Турли соч», «Эркаклар сочи», «Кундалик соч» турмаклари бўйича анча маҳоратли эканликлари хорижийликлар томонидан эътироф этилди.

— Бу муваффақиятдан руҳланиб ассоциациямиз маъмурияти, — деб сўзини давом эттирди Фарҳод Шомуродов, — 9-11 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Наврўз» мажмуасида Санкт-Петербургдаги танловда қатнашган сартарошларимиз иштирокида маҳорат мактабини уюштиришни режа қилдик. Бундан ташқари, октябрь ойида мамлакатимизнинг барча моҳир сартарошлари ўртасида ўзига хос мусобақа ва семинарлар ташкил этилади. Жорий йилда Тошкентда Европа МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг моҳир сартарошлари иштирокида халқаро танлов ҳам ўтказилади. Шунингдек Россия сартарошлари ва косметологлари уюшмаси ҳамкорлигида ёз мавсуми давомида дунёнинг энг моҳир сартарошлари иштирокида пойтахтимизда турли халқаро анжуманлар ўтказишга келишиб олинди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Дарҳақиқат, кўчада кетаётиб кийимлари ўзига ярашган, юз-кўз тузлиши ҳам киши бахри-дилини очадиган, ҳатто соч турмага гўзал бўлган инсонни учратсангиз, дарҳол юзингизга табассум югуради. Ҳа, бу ҳақда қанча гапирсак, шунча ажойиб гаплар, ташбеҳу иборалар қайнаб чиқаваради.

Инсоннинг ташқи кийфаси гўзал бўлиши учун хисса қўшадиган соҳа эгалари — сартарошларнинг меҳнати савобли ва шарафли эканлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу хунари эгаллаб, юзлаб, минглаб кишиларнинг гўзаллигига табассум қўшаётган, руҳиятини тетиклаштиратган сартарошлар ва косметологлардан бир ғуруҳи яқинда Санкт-Петербургда халқаро миқёсда ташкил этилган «Нива киргоқларида» деб номланган кўрик-танловда муваффақиятли иштирок этиб совриндор бўлишди ва Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди. Европа қитъаси, МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг энг маҳоратли сартарошлари иштирок этган танловда Ўзбекистон сартарошлари ва косметологлари ассоциацияси хомийлигида қатнашган

Тошкент Фотосуратлар уйда фотосанъат иҳлосманди Ўсмон Ҳосилнинг Наврўз байрамига бағишланган «Navro'z ilhom» фото кўргазмаси очилди.

**Кўргазмалар
НАВРЎЗ ИЛҲОМИ**

қайта таъкидлашлари билан ўзининг олам ва ҳаёт гўзаллиги ҳақидаги тасавурлари билан ўртоқлашишга майл билдирган.

Олим ва педагог Ўсмон Ҳосил санъат фалсафаларига оид илмий тадқиқотлар билан шуғуллангани учун фотосанъатда ҳам мазкур мавзуларга эътибор қаратади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4655 нусxada босилади.
Қоғоз белими А-2

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳар коллежи ўз ошхонасини ижарага бериш учун **танлов эълон қилади.**

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчи, 105-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 250-06-96, 250-54-9

Ободонлаштириш бош бошқармаси жамоаси Тозит шаҳар бош рассоми **Мироғфур Мироқилевич ХИДОЯТОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Банк коллежи жамоаси бухгалтер пра Тоштемуровна Абдуллаевага онаси **Холида Мустафо қизи ҲАМИДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия (ор қилади.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйи турар жойлардаги почта бўлимларига ёқ «Тошкент почтамага» — 233-74-05 телефои мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифелари «Шарқ» нашрийет-матбос акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41

**Бош муҳаррир
Акmal AKPOMOB**
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ